



## Савол:

Ассалому алайкум, ҳурматли мусулмон биродарлар! Аллоҳ таоло, сизларни Ўз тўғри йўлидан адаштирмаслигини сўрайман.

Мен сизларга бир масала сабабли хат ёзаяпман. Худога шукр, уч йилдан бери динни яхши тушиниб, намозимни ўқиб, қўлдан келганча шариатга амал қилиб келмоқдаман.

Мен бир нарса ўқиб қолдим, унда айтилишича пулни просентга берса бўлар экан, чўнг олимлардан бири Имом Аъзам бу иш жоиз – яъни рибо билан муомала қилса бўлади деган эканлар. Шу тўғрими? Имом Аъзам нима сабабли рухсат берганлар? Илтимос ушбу саволга жавоб берсанглар. Майли Аллоҳга амонат, жавобни ўзбекча ёзаверинглар яхши тушинаман, жавобингларни кутиб қоламан. Асилбек Бишкек Қирғизистон.

## Жавоб:

Ассаламу алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ.

Ҳурматли биродаримиз Асилбек биз сиз каби мухлис биродарларимиз борлигидан фахрланамиз, Аллоҳ сизни Ислом динида собит қилсин! Сиз сўраган саволнинг жавоби : Имом Аъзам фақат душман кофирлар юртига кирган мусулмон ёки зимийга ўша юртдаги кофир билан рибога рухсат берганлар. Буни (душман) кофирнинг молига ўз розилиги билан талофат етказиш деб эътибор қилганлар. Душман кофирнинг қонининг ҳам молининг ҳам ҳурмати йўқ деганлар. Лекин у кишининг катта шогирдлари имом Абу Юсуф бунга қарши чиққан. У исломда рибо ҳаром қилинган, бу мусулмон ва кофирга кофир



давлатда ҳам, мусулмон давлатда ҳам ҳаром деганлар. Чунки кофирлар диннинг фаръий масалаларида мухотаблар. Аллоҳ таоло айтди: **«Яҳудий бўлган кимсаларнинг золимликлари ва кўп кишиларни Аллоҳ?» йўлидан-тўсганлари сабабли, яна манъ этилган бўлсалар-да, судхўрлик қилганлари ва одамларнинг молларини ноҳақ еганлари сабабли уларга олдин ҳалол қилинган нарсаларни ҳаром қилиб қўйдик.** (Нисо: 160, 161) Имом Аъзам ижтиҳод қилиб бу фатвони берган, унинг ҳамма гапи 100 % тўғри бўлмаслиги муқаррар, у ҳам маъсум бўлмагани боис хато ҳам қилади. Пайғамбаргина ҳеч хато қилмайди. Мужтаҳид олим бирон масалада тўғри ҳукм чиқарса иккита савоб олади, хато қилган бўлса битта савоб олади. Чунки у ҳақни топишга интилди, далилларга қаради, бор кучини сарфлагандан кейин ҳукмни чиқарди. Агар имом Аъзамнинг мазкур фатвоси тўғри бўлганда ўзи билан бирга яшаган шогирди бу фатвога амал қилган бўларди. Бу масала қолган уч мазҳабда рад этилган. Шунинг учун билингки РИБО ислом динида ҳаром қилинган, бу Қуръонда очиқ айтилган:

Аллоҳ таоло деди: **«Судхўр бўлган кимсалар (Қиёмат Кунда қабрларидан) турмайдилар, магар жин чалган мажнун каби турадилар. Бунга сабаб уларнинг: «Байъ (олди-сотди) ҳам судхўрликнинг ўзи-ку?» — деганларидир. Ҳолбуки, Аллоҳ байъни ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган. Бас, кимга парвардигоридан мавъиза — насиҳат етгач (судхўрликдан) тўхтаса, у ҳолда аввал ўтгани ўзига ва унинг иши Аллоҳга (топширилади). (Яъни Ўзи хоҳласа афв қилар). Ва ким (судхўрликка) қайтса, ўшалар жаҳаннам эгаларидир ва унда абадий қолажаклар. Аллоҳ судхўрликнинг (фойдасини) йўқ қилади ва садақаларнинг (фойдасини) зиёда қилади. Аллоҳ ҳар**



**қандай** (судхўрликни ҳалол деб биладиган) **кофирни ва** (судхўрлик қиладиган) **жиноятчини севмайди. Албатта иймон келтирган, яхши амаллар қилган ва намозни тўқис адо қилиб, закотни берган зотлар учун Парвардигорлари ҳузурида ажр бор. Улар учун ҳеч қандай хавф-хатар йўқ ва улар ғамгин бўлмайдилар. Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқингиз ва агар чиндан мўмин бўлсангизлар, судхўрлик сарқитларини тарк қилингиз. (Яъни одамларга берган қарзларингиздан чиқадиган фойдани олмангиз.) Энди агар (фармонимизни) қилмасангиз, у ҳолда Аллоҳ ва пайғамбари томонидан бўлган урушни билиб қўйинг! Агар тавба қилсангиз, дастмоянгиз ўзингизга — золим ҳам, мазлум ҳам бўлмайсиз. (Бақара: 275-279)**

Судхўрлик ҳақидаги ҳадислардан намуналар:

Абдуллоҳ ибн Ҳанзала розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Киши билиб туриб ейдиган бир дирҳам рибо Аллоҳ наздида ўттиз олтита зинодан қаттиқроқдир» (Табароний ва бошқалар ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1033).

Абдуллоҳ ибн Салом розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Судхўрликнинг етмиш икки даражаси бор бўлиб, энг пасти Исломда бўла туриб ўз онасининг номусига тажовуз қилган кабидир» (Табароний ривояти, Саҳиҳул-жомиъ: 153).

«...» :... «...»



«...»  
...  
...  
...»

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Еттита ҳалок қилувчи (гуноҳлар)дан сақланинглар!» «Ё Расулуллоҳ, улар қайсилар?», деб сўрадилар. «Аллоҳга ширк келтириш, сеҳргарлик, ноҳақ одам ўлдириш, судхўрлик, етимнинг молини ейиш, жанг пайтида ортга қочиш, покиза ва фаҳшдан беҳабар мўмина аёлларни бузуқлик билан туҳматлаш», дедилар (Муттафақун алайҳ).

...  
...  
...»

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам рибони еювчини ҳам, рибо берувчини ҳам, котиби-ёзиб қўювчини ҳам, гувоҳларини ҳам лаънатладилар ва «Улар барчаси (гуноҳда) баробардир», дедилар (Имом Муслим ривояти).